

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA va FALSAFA hamda FIZIKA-MATEMATIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**12.2018**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2018**

## **“ILM SARCHASHMALARI”**

ilmiy-metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

<b>TAHRIR HAY’ATI:</b>	
<b>JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</b>	<b>ABDULLAYEV Bahrom</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ikrom</b> , biologiya fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ilyos</b> , iqtisod fanlari doktori, <b>ANNAMURATOVA Svetlana</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>ALEUOV O’serboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>BERDIMUROTOVA Alima</b> , falsafa fanlari doktori, professor, <b>DADABOYEV Hamidulla</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>DAVLETOV Sanjarbek</b> , tarix fanlari doktori (bosh muharrir o‘rinbosari), <b>DO’SCHONOV Tangribergan</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>ERMATOVA Jamila</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>HASANOV Oqnazar</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>HAJIYEVA Maqsuda</b> , falsafa fanlari doktori, <b>JO’RAYEV Mamatqul</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYAZOV Maqsud</b> , texnika fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYOZOV Otaboy</b> , filologiya fanlari nomzodi, professor, <b>MAHMUDOV Madrahim</b> , tarix fanlari doktori, professor, <b>NAVRUZOVA Qurolboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>OLLAMOV Yarash</b> , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, <b>OTAMURODOV Sa’dulla</b> , falsafa fanlari doktori, professor, <b>PRIMOV Azamat</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>QIDIRNIYOZOV Muhammadsharif</b> , tarix fanlari doktori, professor, <b>QUTLIYEV Uchqun</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>QURAMBOYEV Karimboy</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>RO‘ZIMBOYEV Safarboy</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>RO‘ZIYEV Erkinboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>RO‘ZMETOV Baxtiyor</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>SADULLAYEV Azimboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, <b>SAGDULLAYEV Anatoliy</b> , tarix fanlari doktori, professor, <b>SALAYEV San’atbek</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>SATIPOV G‘oipnazar</b> , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, <b>XODJANIYOZOV Sardor</b> , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (mas’ul kotib), <b>YAXSHIMURODOV Alisher</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>YOQUBOV Jamoliddin</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>G‘AYIPOV Dilshod</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>SHUKURLAYEV Qodir</b> , tibbiyot fanlari doktori, professor.
<b>JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</b>	
<b>2018 12(138)</b>	

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

### Олим Қаюмов (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) МИФОЛОГИК ТАСАВВУРЛАР, ЎЗГА ОЛАМ ВА РУҲЛАР ТАЛҚИНИГА ДОИР

**Аннотация.** Ушбу мақолада фольклоршунослик фани тарихи, миф, мифологик тасаввурлар, ўзга олам ва руҳлар хусусида сўз боради, шунингдек, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тасаввурлар ўрин олган.

**Аннотация.** В статье рассказывается об истории фольклористики, мифа, мифологических представлений, других мирах и духах, также приводится идея о происхождении Вселенной.

**Annotation.** This article deals with the history of the folklore science, myth, mythology, other worlds and spirits. There is also an idea of the origin of the universe.

**Калит сўзлар:** миф, мифологик тасаввур, руҳлар, олам.

**Ключевые слова:** миф, мифологическое воображение, дух, мир.

**Key words:** myth, mythological imagination, spirits, world.

Одамзод узоқ ўтмишдан бошлаб оламнинг яратилиши, унинг параллел кўринишлари борасида кўп мулоҳаза юритган. Айни шу оламнинг пайдо бўлиши борасидаги тасаввурлар мифларнинг майдонга келишига асос бўлган. Маълумки, мифлар турли маконларда истиқомат қиласи, деган тасаввурлар мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам қадимги аждодларимиз илоҳий қудратга эга мифологик персонажларни гайритабиий макон – ғайб оламида истиқомат қиласи, деб тасаввур қилгандар.

Ўзга дунё билан боғлик тасаввурлар илк бор замонавий фанда таникли рус олими В.П.Налимов томонидан эълон қилинган илмий мақолаларда коми халқининг мифологик қарашлари системали анализ қилинган эди.<sup>1</sup> Ўлимдан кейинги ҳаёт, руҳлар ва инсон жонининг мавҳумий ҳаёти борасидаги қарашларни ифода этган бу мақола этнографлар орасида катта шов-шувга сабаб бўлган эди. В.П.Налимов тириклар ва ўликлар олами ўртасидаги аниқ дифференция йўқлигига диққатни каратади. Мархумлар олами ва мархумларнинг ўлимдан кейинги ҳаёти айни шу маконда айни шу эпик замонда тириклар билан ёнма-ён кечади, фақат уларни кўз билан кўриб бўлмаслигини қайд этади.

Инсон жисмоний ўлимидан кейин тўғри мархумлар оламига ўтади. Ислом таълимотида нариги дунё – чин-ҳақиқий дунё саналади. Нариги дунё ҳам тириклар олами билан параллел равишда бўлиб, унда мархумларнинг руҳлари фаолият кўрсатади. Тириклар ва ўликлар оламининг фарқи шундаки, тириклар оламининг ниҳояси, охири мавжуд. Ислом эътиқодида қиёмат куни охират саналади. Мархумлар оламининг фаолият кўрсатишнинг охири йўқ. Тадқиқотчи В.П.Налимов мархумлар оламини бошқа сайёрада жойлашган деб талқин қиласи. Чунки киши вафот этгач, маълум муддат қариндошлари яқинлари мархумни ёд этади. Коми халқи тасаввурicha, мархумни эсдан чиқарганларидан, унинг руҳи кўк оламига ўтиб кетади.<sup>2</sup> Ўзбекларда ҳам киши вафот этгач, унинг жони чин дунёга ўтади деган тасаввур мавжуд. Чин дунё – нариги дунё атамалари билан юритиладиган мифологик макон ўзга оламдир. Ўзбек шамонлари инсон вафот этгач, унинг руҳи бошқа оламда яшashi, авлодларига мадад бериб, уларни кузатиб туриши тўғрисида тасаввурлар бор.

Сарик уйғурлар шамонийлик эътиқодини кузатган С.Е.Малов мархум аждодлари руҳини шод этиш учун уйғурларнинг гулхан ёкиб, унга нон ташлаб, сажда қилишлари ха-

<sup>1</sup> Налимов В.П. Некоторые черты из языческого мировоззрения зырян. “Этнографическое обозрение”, 1903, №2, с. 76 – 88.

<sup>2</sup> Шу манба.

қидаги маълумотни келтиради.<sup>1</sup> Бундан қўринадики, уйғурларда мархумлар руҳи худди тириклар каби озиқланади, деган қараашлар мавжуд.

Ўзбек фольклорида сув культини тадқиқ этган таникли фольклоршунос М.Жўраев тарихшунос Я.Ғуломовнинг “Хоразмнинг сұғорилиш тарихи” асаридан қизиқ бир маълумотни келтиради. Унда қайд қилинишича, “хар йили экиш олдидан ва ёзги сұғориш мавсуми бошланиши билан деҳқонлар тошқин ўз вақтида бўлармикин ёки кечикармикин, деб ташвишлана бошлаганлар. Илгарилари тошқин кечиккан вақтда анъанавий тантанали ибодат бошланар эди. Руҳонийлар Хивадан чиқиб (бу дарров бутун Хоразмга эшитилар эди) Туямўйиннинг қуи қисмида жойлашган Оролча авлиёда тўпланишар эди. Уруг зодагонларининг вакиллари, умуман, мамлакатдаги бутун оқсуяклар ҳам худди шу ерга тўпланишар эдилар. Улар руҳонийларга совғалар, қурбонлик учун хўқизлар олиб келишар эди. Ўз қўзи билан кўрганларнинг ҳикояларига қараганда, ибодат қилингач, дарёга сув худосига қурбонлик сифатида сўйилган хўқизларни ташлаганлар”. Мазкур маълумотда қурбонлик қилинган хўқизлар сув муаккиллари, яъни сувда яшовчи руҳлар истеъмол қилишлари учун ташланганлиги қайд этилган. Демак, руҳларнинг тириклар каби мангут яшаши тўғрисидаги қараашлар барча туркий халқлар учун муштарак ҳодиса, дейишимиз мумкин.

П.А.Сорокин томонидан эълон қилинган мақолада ўлимдан кейинги ҳаёт ёки ўзга олам борасидаги тасаввурлар ўрганилган эди.<sup>2</sup> П.А.Сорокин коми халқининг ўлимдан кейин жоннинг иккига бўлиниши, уларни яхшилик ва ёмонлик оламларига тарқалиши борасидаги халқ қараашларини келтиради. Мазкур қараашлар умумбашарий характердаги жаннат ва дўзах ҳақидаги тасаввурларни ўз ичига олган эди.

В.Я.Петрухиннинг қабрдаги ҳаёт, ўзга олам назарияси, мархумлар олами борасидаги мулоҳазалари бироз баҳсталабдир. Инсоният ёки унинг руҳи фаолият кўрсатиши мумкин деб қараладиган оламлар дунё халқлари мифологиясида турлича тасаввур қилинади. Масалан, ўзбек мифологиясида *замин усти олами, ер ости олами, сув ости олами* каби ўзга оламлар мавжуд. В.Я.Петрухин ўзга оламларни қўйидагича таснифлайди:

- ◆ ўликлар олами;
- ◆ нариги дунё;
- ◆ ўзга олам.

Олимнинг фикрича, инсон жони йўналтирилган ва макон тутадиган мавхум оламлар мавжуд. Бироқ ўликлар олами билан нариги дунё ўртасидаги мулоҳазаларида тадқиқотчининг ўзи ҳам чалкашиб кетган қўринади. У бир ўринда нариги дунёнинг таркибий қисмига жаннат (рай) ва дўзах (ад)ни киритса, бошқа ўринда ўликлар оламига ҳам айни шу тасаввурлар тасирида талқин беради. Е.М.Мелетинский классик миф кўринишлари ҳақида фикр юритиб, улардаги горизонтал ва вертикал оламларга баҳо беради. Унинг изланишларида горизонтал олам билан боғлиқ мифлар “само оламида эмас, балки фақатгина ер оламида содир бўлади. Вертикал олам асосини самовий ва ер олами ташкил этади”,<sup>3</sup> деган фикрларни учратамиз. Бироқ афсоналар ва сеҳрли эртакларда сув ости оламида содир бўладиган воқеалар бу фикрнинг унчалик ўзини оқламаслигини кўрсатади.

Е.П.Картамишева ўзининг “Почитание предков в древнескандинавской дохристианской культуре” номли номзодлик диссертациясида сув ости олами борасида тўхталаркан: “В подводный мир попадают утопленники, хотя некоторые из них могли отправляться и в другие миры,” дея сув ости оламига кай тариқа тушиб қолиш борасида ўз муносабатини билдиради. Одатда, сувда чўккан одам сув ости оламига тушиб қолади. Навбаҳорлик фолбин Шоира Ҳақбердиевадан биз томонимиздан ёзib олинган шомон афсонасида Шои-

<sup>1</sup>Малов С.Е. Шаманство у желтых уйгуров. Живая старина. Периодическое издание. Выпуск 1, С.Петербург, 1912, с. 73–74.

<sup>2</sup>Сорокин П.А. Пережитки анимизма у зырян. Известия Архангельского о-ва изучения Русского Севера. Архангельск, 1910, №20 – 22, с. 62.

<sup>3</sup> Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. “Наука”, М., 1976, с. 248.

ра беш ёшлиқ пайтларида ховуздан сув олишга бориб, сувга тушиб кетади. Ҳовузга чўккач, уни чиройли парилар қуршаб олганлиги, у ўзининг сочига тақилган лентачасини сувдан кўтарилиб тургани-ю, ўз танасини қўшни аёл томонидан сувдан олиб чиқиб, уйига олиб борганлигини, ўзига биринчи ёрдам кўрсатилиш жараёнини юқоридан кўриб турганлигини қайд этади.

Бизнинг сув ости олами борасидаги мулоҳазаларимизни ўзбек шомон маросимлари фольклори материаллари, ўзбек ҳалқ сеҳрли эртаклари сюжетида қаҳрамоннинг сув ости оламига кириб қолиш мотиви ҳамда тарихчи Е.П.Картамишеванинг қадимги скандинавия-ликларнинг христианликдан олдинги маданияти борасидаги кузатишлари натижасида кўлга киритган назарий хуласалари ҳам қувватлади.

Машҳур ўзбек олими Я.Гуломов Хоразм воҳасининг суғорилиш тарихига доир ийрик илмий тадқиқотида сув қультигининг мифологик талқинларини ўзида мужассамлаштирган бир афсонани келтирган. Унда айтилишича, “Фаридун ва ҳатто Жамшид подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари Амударёда бир йигит яшаган ва бу йигит дарёning ҳокими бўлган. Унинг исми “Ҳубби” бўлган. Ҳубби балиқ билан оқватланган. У бир қўли билан балиқни ушлаб оларкан-да, уни қуёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қовурилар экан. У етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичида ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган, ҳатто у вақтда чивинлар ҳам бўлмаган. Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб, Ҳубби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизининг маликаси – гўзал қиз ўғирлаб кетган, деб ўйлайдилар. У ғойиб бўлгандан кейин, Амударёда Ҳуббининг онаси пайдо бўлган. Ана шу Ҳуббининг онаси биринчи қайиқни қурган ва ҳалқни дарёда сузишга ўргатган. Сўнгра Ҳуббининг онаси бутунлай кетиб қолган.

Таниқли фольклоршунос М.Жўраев мазкур афсона ва сув ҳокими Ҳубби ҳақида тўхталаркан: “Энг қадимги мифологик афсоналарда Ҳубби дарё ҳокими ёки ҳомийси, сувни тошириб, одамларга катта зиён етказувчи ёвуз кучларга қарши курашувчи мифологик персонаж сифатида талқин қилинган. Амударё тубида яшайди деб тасаввур қилинган аранглар билан Ҳуббининг жангига тўғрисидаги афсоналарда<sup>1</sup> унинг ҳомийлик хусусияти яққол кўзга ташланади”, деган мулоҳазани билдиради. Кўринадики, таниқли олимлар, М. Жўраев ҳам, М.В.Сазанова ҳам арангларнинг сув тубида, яъни айнан Амударё тубида яшашини эътироф этишганлар. Келтирилган мисоллар мифологик тафаккурда сув ости олами мавжудлигини далиллайди.

Бизнингча, тириклар, яъни тирик инсонлар олами замин-ер устидан ташқари сув ости, ер ости ва қўқ оламлари фақат руҳлар олами деб қаралиши мақсадга мувофиқ.<sup>2</sup>

Биз ўзбек маросимлари, мифологик тасаввурлари, фольклор асарлари ва адабий манбаларда ўзга олам талқинининг берилиши ва улар асосида ўзга дунёнинг ўзига хос фарқли томонларини ажратиб олиш заруратини олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ўзга олам борасидаги тадқиқотлар ўзга оламни системали ўрганишга бағишиланса-да, ғайб оламининг рамзий эканлиги, улар билан боғлиқ қарашларда бадиий ифодаланган образлар тизимини таҳлил қилиш асосий мақсад қилиб олинган.

Кишилар орасида руҳнинг танни тарқ этиши, яъни ўлимнинг юз бериши, тан руҳ билангина тириклиги, инсон руҳи тириклик манбаи, ҳаракат манбаи сифатида талқин этилиши кишининг ўлемидан сўнг жони танасини тарқ этиши билан боғлиқ тасаввурларни келтириб чиқарган. Ҳалқ қарашларида одам вафотидан кейин унинг руҳи турли кўринишда танасини тарқ этаркан. Карманалик Нормурод Ражабовдан биз томонимиздан ёзиб олинган демонологик ҳикояда айтилишича, бир куни айтувчининг отаси аҳволи оғирлашиб фарзандларини чорлайди. Чол фарзандларига васиятини қилиб, бир оз тин олади-ю жони узилади. Шу пайт чолнинг танасини бир катта қизил чумоли айланиб, кўздан ғойиб бўлади. Чолнинг маъракаларини ўтказаётганларида ҳалиги чумоли пайдо бўлиб, чол жон

<sup>1</sup>Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. Л., “Наука”, 1978, с. 89.

<sup>2</sup> Каюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи. НДА, Тошкент, 1999, 8-бет.

берган хонани айланиб юради ва маълум муддат ўтгач, яна кўздан ғойиб бўлади. Қишлоқ мулласининг изоҳлашича, ўша чумоли чолнинг руҳи бўлиб, чол бу дунёни тарк этар чогида унинг жони чумоли қиёфасига кирган ва танасини тарк этган экан.

Ўлим юз бериш пайтида жон турли кўринишда танни тарк этиши билан боғлиқ қарашлар коми халқлари мифологиясида ҳам қайд этилган. Хусусан, коми халқининг ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги мифологик тасаввурларини ўрганганд П.Лимеровнинг қайд этишича, “марҳумлар ҳақида гапириш уларнинг руҳларини ҳаракатланишига – жоннинг ўзгача кўринишдаги иккинчи ҳаётининг давом этишига сабаб бўлади”.<sup>1</sup> Барча халқларда марҳумнинг танасини жон тарк этиши ва руҳнинг эркин фаолият кўрсатиши, арвоҳларнинг тириклар кўз ўнгидаги гоҳ-гоҳ намоён бўлиши билан боғлиқ оғзаки ҳикоялар кўп учрайди. Бундай оғзаки ҳикояларда жон ва марҳум образлари бир-бири билан синонимик моҳият касб этгандай, аммо бу образлар ўз поэтик вазифалари билан бири-биридан тубдан фарқланади.

Марҳум образида унинг тириклик пайтларидағи алломатлари мужассамлашиб, унинг ҳаракатлари ҳаётий уйдирма асосига қурилади. Арвоҳ образи марҳумнинг исми билан аталса-да, унинг ҳаракатлари ҳаёлий уйдирма – фантастик воқеилик асосига қурилади. Марҳум тарихий ва конкрет шахс бўлса, арвоҳ марҳумнинг ташқи қиёфаси, номи билангина талқин қилинадиган кўзга кўринмас мавжудотдир. Арвоҳ ўзи танлаган кишиларагина кўринади. Арвоҳнинг дохил бўлиши, яъни ўзи танлаб кўриниши шомон ҳомийларининг кейинги издошларини танлаши мотиви билан боғлиқдир.

**Барно Мирзаева (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)  
ХОДИ ЗАРИФОВ ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**Аннотация.** Уибу мақолада ўзбек фольклоршуносигининг шаклланиши босқичлари, шунингдек, ўзбек фольклоршуносигининг отаси Ҳоди Зарифов хусусида сўз боради. Ҳ.Т. Зарифовнинг ўзбек халқи маданияти хазинасига қўйиган энг улкан ҳиссаси, ўзбек достончилик мактаблари, баҳишичилик санъати тарихи ҳақидаги илмий қараашлари ўрин олган.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются этапы формирования узбекского фольклора, а также идёт речь об отце узбекского фольклора Ҳоди Зарифа. Освещен вопрос о его наиболее значительном вкладе в фольклористику Узбекистана, анализируются его взгляды на узбекские народные дастаны и их историю

**Annotation.** This article deals with the stages of the formation of Uzbek folklore and also the father of Uzbek folklore Hodi Zarifov. H.T.Zarifov's most significant contribution to the Uzbek culture is his scientific opinions on the history of Uzbek dastan schools and the art "Bakhshi" – singing dastans.

**Калим сўзлар:** ўзбек достончилиги, баҳишичилик, ўзбек фольклоршуносиги.

**Ключевые слова:** искусство узбекского дастана, искусство баҳши, узбекская фольклористика.

**Key words:** Uzbek folklore, uzbek dastans, baxshi.

Ўзбек фольклорига қизиқиши, ёзиб олиш, ўрганилиш ишлари XIX асрнинг иккинчи яримидан бошланган.<sup>2</sup> XIX асрда Россия империяси Ўрта Осиё халқларининг тарихи, турмуши, этнографиясини ўрганиш учун бир гуруҳ олимларни Ўрта Осиёга экспедицияга юборди. Буларнинг орасида Н.П.Остроумов, Н.Карамзин, А.А.Кушакевич, А.Васильев, Н.Ляпунова, А.Н.Самойловичлар бор эди. Улар ўзбек халқининг эртакларини, халқ қўшиқларини, достонларини ёзиб олди. Улар ёзиб олган халқ асарларининг ичидаги «Фарҳод ва Ширин», «Ширин қиз», «Ҳикояти Гўрўғли сулотон», «Юсуфбек билан Аҳмадбек», «Ошиқ

<sup>1</sup> Лимеров П.Ф. Мифология души. Мифология загробного мира. Сыктывкар, 1996, с. 6.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент, «Ўқитувчи», 1990, 23-бет.

## MUNDARIJA

### 17-DEKABR – MUHAMMAD RIZO OGANIY TAVALLUD TOPGAN KUN

<b>С.Рўзимбоев, С.Курбанова.</b> Огахий шеъриятида маънавият масалалари.....	3
<b>Д.Ғайипов.</b> Огахий туюқларининг мавзуу ва ғоявий йўналиши ҳақида.....	5

### CHINGIZ AYTMAT TAVALLUDINING 90 YILLIGIGA

<b>N.Madraximova.</b> Chingiz Aytmatov romanlarida global muammolarning badiiy talqini.....	9
---	---

## MATEMATIKA

<b>Р.Мадрахимов О.Омонов.</b> Плюригармоничность м-гармонических функций.....	12
---	----

## TIBBIYOT

<b>Қ.Шукурлаев, Н.Бекова, Ж.Юлдашев.</b> Тиомочевина ҳосилаларининг яллиғланишга қарши фаоллигини ўрганиш.....	15
--	----

## FALSAFA

<b>М.Айтбоев.</b> Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқ қабулхона- ларининг ўрни ва роли.....	20
--	----

<b>L.Jo‘rayev, F.Nabiyev</b> Harakatlar strategiyasi – fuqarolik jamiyatini takomillashtirishda muhim omil.....	26
--	----

<b>Ш.Кимсанбаева.</b> Ёшларни ислом маърифати руҳида тарбиялаш – давр талаби.....	30
---	----

<b>Р.Халилов.</b> Бунёдкорлик – миллий эстетик қадрият сифатида.....	33
--	----

## TILSHUNOSLIK

<b>Ш.Искандарова.</b> Мазмуний структура ва сўзловчи шахс масалалари.....	37
---	----

<b>Ш.Ганиева.</b> Ўзбек тилшунослигига фразеологик синонимия ва градуонимия масаласи.....	40
---	----

<b>Н.Отакулов.</b> Мезуратив фразеологик бирликларда антонимия ҳодисаси.....	43
--	----

<b>Ф.Хасanova.</b> Тилшуносликда нутқий жанр моделининг лингвистик хусусиятлари.....	47
--	----

## ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>О.Қаюмов.</b> Мифологик тасаввурлар, ўзга олам ва руҳлар талқинига доир.....	51
---	----

<b>Б.Мирзаева.</b> Ҳоди Зарифов ва ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши.....	54
--	----

<b>Н.Сабирова.</b> Хоразм халқ кўшиқларида осмон ёритқичларига алоқадор рамзлар.....	57
--	----

## PEDAGOGIKA

<b>S.Matkarmova, Z.Asqarova.</b> Ogahiy asarlarini o‘qitishda axborot texnologiyalari va ko‘rgazmali qurollardan foydalanish.....	62
--	----

<b>Г.Эшчанова.</b> Бошлангич синфларда мақол ва масал жанрларини қиёсий ўргатиш усул- лари.....	66
--	----

<b>G.Saparbayeva, Y.Egambergenova.</b> Ingliz tilidagi iboralarning lingvistik va uslubiy jihatlari.....	70
--	----

<b>D.Artikova, M.Rakhimova, G.Qurbanbayeva.</b> Teaching Foreign Language to Pre-School Child- ren.....	73
--	----

<b>T.Kosimova.</b> The Importance of Motivation in Education.....	76
---	----

## ILMIY AXBOROT

<b>X.Maxsudova.</b> Ingliz tili variantlari o‘rtasidagi asosiy tafovutlar: Britaniya va Amerika variant- lari.....	79
---	----

<b>Б.Абдуллаев.</b> Реклама матнининг ўзбек тили лексикографиясидаги ўрни ва неологизмларининг таржима муаммолари.....	82
---	----

<b>М.Галиева.</b> Принципы категоризации религиозно маркированных концептов.....	86
--	----

<b>N.Masharipova.</b> The Role of Language Functions within the Process of Translating.....	89
---	----

<b>Ф.Акрамова.</b> Семантические отношения внутри терминологического поля медицины.....	91
---	----

<b>Y.Ilhomova, K.Jumaboyeva.</b> Pensiya sohasidagi yangiliklar.....	94
--	----

## MUALLIFLARGA ESLATMA

1. Maqola **Times New Roman** shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig‘i – 1,5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o‘ngda 1,5 sm. bo‘lishi kerak.
2. Har bir maqolada o‘zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya, kalit so‘zlar bo‘lishi shart.
3. Maqola muallif imzosi bilan bir nusxada hamda elektron variantda topshirilishi lozim.
4. Maqola tahrir hay‘ati a’zosi tavsiyasi (taqrizi) va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilinadi. Taqriz hamda ekspert xulosasi elektron shaklda ham qabul qilinadi. Bunda taqriz va ekspert xulosasi faqat kompyuterda rangli skanyer qilingan bo‘lishi kerak.
5. Har bir maqolada muammoning qo‘yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchliligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarning asosligiga e’tibor berilishi kerak.
6. Maqolada foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro‘yxati keltirilishi lozim.
7. Maqolalar hajmi kamida 0,25 bosma tabaqdan (40000 belgi, probellar bilan) iborat bo‘lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Muallifning ism-familiyasi, ilmiy unvoni va ilmiy darajasi, lavozimi, telefoni, to‘liq manzili ilova qilinishi lozim.
11. Mualliflar jurnalda e’lon qilinadigan maqolalari uchun Urganch davlat universitetining rivojlantirish jamg‘armasining quyidagi **hisob raqamiga** pul o‘tkazishlari mumkin.

### **Urganch davlat universiteti**

**Manzili: H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.**

**Tel: (0362) 224-66-01; e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)**

**Sh/hr: 4001 1086 0334 0179 5010 0079 001**

**INN: 201651846 OKONX: 92110**

**Moliya vazirligi g‘aznachiligi**

**h/r: 2340 2000 3001 0000 1010**

**Bank: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi XKKM**

**INN: 201122919 MFO: 00014**

**To‘lov maqsadi – “Ilm sarchashmalari” jurnaliga maqola uchun**

### **HURMATLI JURNALXONLAR!**

“Ilm sarchashmalari” jurnaliga 2019-yil uchun obuna davom etmoqda.

Siz “O‘zbekiston pochtasi” ochiq aksiyadorlik jamiyatining viloyat filiallari, “Matbuot tarqatuvchi” sho‘ba korxonasi, bundan tashqari, “Ilm sarchashmalari” jurnali tahririyati orqali jurnalimizga obuna bo‘lishingiz mumkin.

Jurnal har oyda bir marta nashr qilinadi. Jurnalning nashr indeksi **1072**.

Agar ko‘rsatilgan hisob raqamiga jurnal obunasi uchun pul o‘tkazsangiz:

- jurnalning bir yillik obuna bahosi – 240 000 so‘m;
- 6 oyga – 120 000 so‘m;
- 3 oyga – 60 000 so‘m.

Bunda tahririyat obunachilarga jurnalning har sonini shu belgilangan narxda yetkazib berishni o‘z zimmasiga oladi.

Obuna bo‘yicha murojaat uchun telefonlar: **+998919154555, +99899-348-13-35;**

**(0362) 224-66-01; e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz), [ilmsarchashmalari@mail.ru](mailto:ilmsarchashmalari@mail.ru)**

**Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>**

# **“ILM SARCHASHMALARI”**

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**  
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**  
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**  
**Oybek Qalandarov**  
Ushbu songa mas’ul **Maqsuda Hajiyeva**

Terishga berildi: 20.12.2018

Bosishga ruxsat etildi: 31.12.2018.

Offset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.

Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.

Adadi 150. Buyurtma №. 95

Hisob-nashriyot tabag‘i 8,5

Shartli bosma tabag‘i 7,9

UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon/faks: (0362)-224-66-01; e-mail: [ilmsarchashmali@umail.uz](mailto:ilmsarchashmali@umail.uz)

[ilmsarchashmali@mail.ru](mailto:ilmsarchashmali@mail.ru)

Veb-sayt: [www.ilmsarchashmali.uz](http://www.ilmsarchashmali.uz)

Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmali>